

Президент сайлови:

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

2021 йил 23 июль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда йирик сиёсий жараён Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиغا старт берилди.

Тадбирда сиёсий партиясиз раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Унда Марказий сай-

лов комиссияси 2021 йилнинг 24 октябрь санасини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгилади. Сайлов кампанияси 23 июлдан бошланиши эълон қилинди.

Президент сайлови шу йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартишга мувофиқ, октябрь ойида бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази ва унинг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда мазкур Марказнинг низоми тасдиқланди. Матбуот марказида тажрибали журналистлар, ҳуқуқшунослар, таржимонлар, экспертлар ва бошқа мутахассислардан иборат ихтисослаштирилган еттига гуруҳ фаолият олиб боради.

А.НАБИЖОНОВ,
туман ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари.

Туман кенгаши сессияси

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Халқ депутатлари Бўстон туман Кенгашининг навбатдаги VI-чақириқ 34-сессияси бўлиб ўтди.



Сессия ишида "Бўстон туманини ижтимоий-иқтисо-

лари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда уларнинг ўз ҳудудларида олиб бораётган ишларини тизимли равишда ташкил этиш бўйича белгиланган иш режалари ижроси хусусида маълумотлар берилди. Шунингдек, "Ҳудудларда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" асосида амалга ошири-

лада", "Тадбиркорлар му-рожаатларини куриб чиқиш қабулхонаси томонидан секторлар ва ҳудудий ташкилотлар раҳбарларининг тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича фаолияти тўғрисида" ги ҳамда бошқа масалалар куриб чиқилди.

Сессия кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан маъсулларнинг ҳисобот ва ахборотлари тинг-



дий ривожлантириш борасида 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар юзасидан туман сектор-

дорлиги тўғрисида", "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари бўйича эришилган амалий чора-тадбирлар дастурлари тўғри-

ланиб, ҳар бир масала бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ф. АБДУЛЛАЕВ,
Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти мудири.

"ОБОД ҚИШЛОҚ ВА ОБОД МАҲАЛЛА" ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида" ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда ишчи гуруҳлар тузилган бўлиб улар жойларда амалга оширилаётган ишлар борасида кенг назоратни

йўлга қўймоқдалар.

Хусусан, вилоятимиз прокурори Гайратжон Фозилов туманимизнинг "Сарбон" ва "Янги обод" маҳаллаларига бориб, дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Дастур доирасида жорий йилда туманимиздаги 16 та маҳаллалардаги 43 та кўчаларда 8 миллиард 290 мил-

лион сўмлик қийматда 38 км. узунликдаги ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Жойлардаги ишлар билан яқиндан танишган вилоятимиз прокурори томонидан қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли, белгиланган муддатларда яқунлаш бўйича мутасаддиларга зарур тавсиялар берилди.

Эҳтиром

Юртимизда ҳамisha ўзаро меҳр-оқибат, саховат, мурувватлиликни кенг тарғиб этиш, азалий қадриятларимизни эъозлаш каби халқимизга хос эзгу фазилатлар улуғланиб келинган.

ЭЪТИБОРДАН КЎНГИЛЛАР ШОД



Эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёши улуг инсонларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда ҳам бу каби эзгу ишлар давом этмоқда.

Юртбошимизнинг 2021 йил 13 июлдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида" ги қарорида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам.

"Маҳалла" хайрия жамо-

ат фонди Бўстон тумани бўлинмаси томонидан қурбон ҳайити муносабати билан туманимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон, меҳнат фахрийлар ҳолидан хабар олинди, уларга "Маҳалла таянчи" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган эзги кўрпа ва ётоқ чойшаб-лари берилди.

Кумушой МУРОДОВА,
"Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳисобчиси.

Ёшлар - келажакимиз

ОРЗУЛАРНИНГ РЎЎБИ УЧУН



Бўстон туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Агро-банк» Бўстон тумани филиали ҳамкорлигида тумандаги касб-хунарга эга бўлган 11-синф битирувчиларини мустақил иш бошлашлари учун имтиёзли кредит асосида ўзлари танлаган касбларига керакли бўлган асбоб-ускуналар билан таъминлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир давомида 9 нафар битирувчиларга тикув машиналари, 4 нафар битирувчиларга иссиқхона, 2 нафар битирувчиларга асарличиликни ривожлантириш учун асарлари ҳамда 2 нафар битирувчиларга хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича кредитлар ажратилди.

Туман ҳокимлиги матбуот хизмати.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги "Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4919-сонли қарорини туманимизда ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимининг 2020 йил 29 декабрдаги 384-қ сонли қарори қабул қилинган. Шу асосда туманда жами 1360 гектар, шу жумладан 1350 гектар пахта майдонларида ва 10 гектар боғ ва тоқзорларда томчилатиб сугориш технологияларини жорий қилиш белгиланган.

Туманда шу кунгача 1276 га пахта майдонларида томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш учун 84 та хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномалар тузилди. Мазкур технологияни жорий қилиш учун шу кунгача тижорат банклари-

дан 37 та субъектларга 8350,5 миллион сўм кредит маблағлари чиқариб берилди.

Томчилатиб сугориш технологияси учун 68 та сув тиндиргич ҳовузлар қазилиши ҳисоб-китоб қилинган бўлиб, амалда шу кунгача 67 дон ҳовузлар қазилди. Шундан

37 донга 534 гектарга геомембрана тўшаб, 30 донга фермер хўжаликларида 464 гектарга насослар ва филтрлар ўрнатиш, 16 донга фермер хўжаликларида 211 гектарга марказий қувур монтаж қилиш, 15 донга фермер хўжаликларида 176 гектар майдонда

томизгичли шланглар монтаж қилиш ишлари амалга оширилган.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун сув хўжалиги ташкилотларидан 1 донга экскаватор ҳамда ҳовузларни туби ва қияликларига қўл кучи ёрдамида ишлов бериш, ҳовузларни бетонлаш ҳамда геомембрана-ларни тўшаб ишларида 30 нафар сув хўжалиги ходимлари "Агро Нью Дрип" МЧЖ "Сильвер Дрип" МЧЖ, "Эко Дрип Фрут" МЧЖ ходимлари жалб қилинди. Ҳозирги кунда насос филтрлар



ўрнатиш, марказий қувурларни монтаж қилиш ва томизгичли шланглар монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда. Айтилганда 13 та фермер хўжаликларининг 151 гектар пахта майдонларида қурилиш мон-

таж ишлари якунланиб, ишга туширилди ва субсидия маблағларини олиш учун ҳужжатлар тайёрланиб топширилди.

Дониёрбек МАТҚОСИМОВ,
туман прокурори
катта ёрдамчи.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ У ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Барчамизга маълумки, 2023 йилда бўлиб ўтадиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик ишлари айтилганда қизғин тус олган. Ҳўш, ушбу рўйхатга олиш ишлари қандай амалга оширилади?

Мазкур жараён уч босқичда амалга оширилади. Биринчиси, тайёргарлик босқичи бўлиб, уч йилга яқин вақт давом этади. Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу тахминан икки ой муддатни ташкил этади. Сўнгги босқич қарийб уч йил давом этиб, олинган маълумотлар қодлаштириш ёрдамида таҳлил қилиниб, натижалар эълон қилинади.

Рўйхатга олиш жараёнида тўп-ланадиган статистик маълумотлар ягона электрон ахборотлар тизими-га киритилади. Яъни бундан бу ёғига

қоғозбозликдан воз кечиб, замонавий технологияларни жорий этишга эътибор қаратилади.

Рўйхатга олувчиларни танлаш

ҳам энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки маълумотларнинг тўғрилигига бевосита айтилганда улар масулу бўлади ва шакллантирилган маълумотлар реал бўлиши шарт. Бу

жараёнга жалб этиладиган ходимлар ҳар хил ёшда ва касбда бўлиши, биринчи навбатда, Давлат статистика қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, статистика йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрлар, шунингдек, таянч докторантлар бўлиши мумкин.

Б. СУЛТОНОВ,

туман статистика бўлими бошлиғи.



Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш халқ хўжалиги объектлари ва фуқаро хонадонларини ишончли қўриғини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Андижон вилояти қўриқлаш бошқармаси Бўстон туманлараро қўриқлаш бўлимининг ўрни беқиёсдир.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК КАФОЛАТИ

Бугунги кунда ходимларимиз томонидан 86 та турли мулкчилик шаклларига мансуб масканлар ишончли қўриқланиб келинмоқда. Ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулият билан ёндашганликлари боис 2021 йил 1-чорак якуни давомида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланмади.

Андижон вилояти қўриқлаш бошқармаси Бўстон туманлараро қўриқлаш бўлими раҳбарияти томонидан ходимларнинг турмуш шароити, маҳаллада тутган ўрни билан танишиш, яққа тартибдоғи тарбиявий ишларга алоҳида эътибор берилётгани, уларнинг ота-оналари ва турмуш ўртоқлари билан суҳбатлар ўтказилаётгани ижобий натижа бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Андижон вилояти қўриқлаш бошқармаси Бўстон туманлараро қўриқлаш бўлими шахсий таркибида вазифаларини аъло даражада уддалаб, ўз касбини севадиган, ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келаётган ходим-

лар кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг ҳушёрлиги, фидойилиги, маҳорати туфайли халқ мулкчининг ишончли қўриқланиши таъминланмоқда.

Жамоадаги маънавий муҳитни яхшилаш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатни мустақамлаш борасидаги савий ҳаракатлар хизматдаги муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Андижон вилояти қўриқлаш бошқармаси Бўстон туманлараро қўриқлаш бўлими шахсий таркиби ўзларининг кундалик фаолияти билан халқ мулкчини ишончли қўриқлашга ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга қодир эканликларини исботлаб келишмоқда.

А.УМАРОВ,
Андижон вилояти қўриқлаш бошқармаси Бўстон туманлараро қўриқлаш бўлими гуруҳ командири, лейтенант.

ИМТИЁЗ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР ХАЛҚИМИЗ УЧУН

Барчага маълумки, "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Президент Фармониغا асосан жорий йилнинг 1 июлидан пенсия ва нафақалар миқдори оширилди.

Мазкур Фармонга кўра, 2021 йил 1 июлдан бошлаб:

- белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида қўшимча тўлов жорий этилди. Бунда, иш стажига тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 256 минг 675 сўмдан 400 минг сўмга оширилди;

- белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 565 минг сўмга кам пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялари миқдори 565 минг сўмга етказилди;

- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори 315 минг 030 сўмдан 400 минг сўмга етказилди;

Боқувчисини йўқотганлик учун эса бундай пенсия олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси

учун қўшимча тўлов жорий этилди;

- пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори 256 минг 675 сўмдан 400 минг сўмга оширилди ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўланади;

- нафақа олувчи оилаларнинг барча аъзоларини қамраб олиш мақсадида уларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори 400 минг сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун 150 минг сўмдан қўшилиши белгиланди;

- болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа ойига 513 минг 350 сўмдан 565 минг сўмга оширилди.

Ш. ТўРАҚУЛОВ,
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи.

Жорий йилнинг 15 июлида "Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида" ги ПҚ-5185-сонли Президент қарори қабул қилинди.

СОҲА РИВОЖИ БЎЙИЧА ЯНГИ ҚАРОР

Мазкур қарор билан 2021-2024 йилларда ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси", Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари тузилмаси тасдиқланди. Агентлик бош директори Президент томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши белгилиб қўйилди.

Агентликка қуйидаги вазифалар юклатилди:

- ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалигига етказиладиган барча минерал ва микробиологик ўғитлар сифатини назорат қилиш;
- зарарли организмларнинг республика ҳудудига қариб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда йўқ қилиш.

"Ўзагрокимёҳимоя" АЖнинг чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизмати Агентликка ўтказилди. Тут парвонасига қарши кураш бўйича давлат буюртмасини бериш вазифаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига юкланди.

Агентлик тизимида "Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти" ва унинг минтақавий филиаллари, Республика агрокимёвий таҳлил маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари, "Биосифат" республика маркази ташкил этилди.

О. СУЛАЙМОНОВ.

